

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

51-сон
(811)
2017 йил
25 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1240. «Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 декабрдаги ПҚ–3439-сон қарори

Учинчи бўлим

1241. «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги 991-сон қарори

1242. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3237-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги 992-сон қарори
1243. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги 993-сон қарори

Бешинчи бўлим

1245. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 9 ноябрдаги 6-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956*)
1246. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 177, 347-В, 40-сон «Фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2957*)
1248. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 164, 2017-64, 152-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-1*)
1249. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 11 декабрдаги 235-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2878-3*)

1250. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 11 декабрдаги 236-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2879-3*)
1251. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2017 йил 12 декабрдаги К-9, А-2-сон «Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2604-2*)
1252. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 13 декабрдаги 40-сон «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2524-1*)
1253. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 21 декабрдаги 464-мқ-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-1*)
1255. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 15 декабрдаги 9-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-1*)
1256. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 19 декабрдаги 271-сон «Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2608-1*)
1257. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий ат-

тестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 29 ноябрдаги 245/7-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-1*)

1258. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 15 декабрдаги 129-сон «Қўллаш учун яроксиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2106-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 16 декабрдан 22 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

1240 Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича халқаро ва хорижий молия институтлари (кейинги ўринларда молия институтлари деб юритилади) билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳада айрим давлат бошқаруви органлари ваколатларининг аниқ белгилаб қўйилмаганлиги ва функцияларининг такрорланиши молия институтлари билан ҳамкорликни янада фаоллаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идоралараро кенгаш томонидан қарз, кредит ва грант маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишларнинг ташкил этилиши ваколатли давлат органларининг масъулияти ва ташаббускорлигини пасайтиради, ортиқча бюрократик тартиб-таомиллар ва харажатларга олиб келади.

Қарз, кредит ва грант маблағларини жалб этиш, етакчи молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарали ва замонавий талабларга жавоб берадиган тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасидан куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси — молия институтлари билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича ваколатли орган (бошқарувчи идораси);

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмуродов — Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Жаҳон банки гуруҳи, Ислол тараққиёт банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа молия институтлари билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича бошқарувчи;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 21 декабрда эълон қилинган.

раиси — Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Жаҳон банки гуруҳи, Ислом тараққиёт банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа молия институтлари билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича бошқарувчи ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки — Халқаро валюта фонди билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича ваколатли орган (бошқарувчи идораси);

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А. Кучкаров — Халқаро валюта фонди билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича бошқарувчи;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси — Халқаро валюта фонди билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича бошқарувчи ўринбосари этиб белгилансин.

2. Бошқарувчилар идораларига қуйидагилар юклатилсин:

тегишли молия институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

молия институтлари билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, «йўл харита»лари ва дастурлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари, республика ҳудудларини ривожлантириш учун молия институтларининг жалб этиладиган қарз, кредит ва грант маблағларидан янада самаралироқ фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун масъул бўлган вазирлик ва идоралар, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, экспертиза органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шу жумладан лойиҳа, тендер ва контрактга оид ҳужжатлар бўйича эксперт хулосаларининг ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш;

молия институтларининг жалб этиладиган қарз, кредит ва грант маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишнинг бориши устидан мониторинг ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда молия институтлари билан ҳамкорлик дастурларининг амалга оширилиши ҳолати ҳақида ҳисобот тақдим этиш;

молия институтлари билан инвестицион ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш, келишиш ва имзолашда ўрнатилган тартибда иштирок этиш;

молия институтлари миссияларининг ишчи учрашувлари жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасида ва хорижда молия институтлари вакиллари иштирокида халқаро конференциялар, семинарлар, инвестицион форумлар ўтказилишини ташкил этиш.

3. Бошқарувчилар идораларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

вазирлик ва идоралар томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган молия институтлари миссияларининг ишчи учрашувлари жадвалини тасдиқлаш;

молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик жараёнида юклатилган ва-

сифаларни бажариш учун зарур бўлган хат-хабарлар, меморандумлар, баён-номалар ва бошқа ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси номидан имзолаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан ўрнатилган тартибда бошқарувчи идораси ваколатига тааллуқли ахборотларни сўраб олиш;

заруратга кўра, танлов ўтказиш жараёнлари, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш муддатларини унинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда тезлаштириш, шунингдек, молия институтлари билан келишув бўйича уларнинг маблағларини тегишли лойиҳалар компонентлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда, чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар қисмида — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва лойиҳа ташаббускорининг қўшма тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамасига тегишли ривожланиш концепцияси доирасида ривожланиш давлат дастурига аниқлик киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда молия институтларидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакиллари-ни тасдиқлаш ва уларни лавозимдан озод этиш;

молия институтлари иштирокида лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари мансабдор шахслари ҳисоботларини эшитиш, лойиҳалар ижрочиларини таклиф этган ҳолда уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

4. Молия институтлари билан реализация қилинаётган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларининг раҳбарларини лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бўйича масъул бўлган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари томонидан бошқарувчи идораси билан келишган ҳолда лавозимга тайинлаш ва озод этиш тартиби белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда, алоҳида буюртмачилар юзасидан давлат капитал маблағлари лимитларини қайта тақсимлаш қисмида — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва лойиҳа ташаббускорининг қўшма тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамасига тегишли ривожланиш концепцияси доирасида ривожланиш давлат дастурига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга Ўзбекистон Республикаси номидан молия институтларига тасдиқланган бошқарувчилар ва бошқарувчиларнинг ўринбосарлари хусусида ваколат-хати юбориш ваколати берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Марказий банки:

икки ой муддатда бошқарувчи идораларининг регламентини ишлаб чиқишни ва тўлиқ фаолият кўрсатишини;

молия институтларининг молиявий ва техник кўмагидаги лойиҳалар рўйхатининг расмий веб-сайтда ўз вақтида чоп этилишини, молия институтларининг қарзлари, кредитлари ва грантларини жалб қилиш бўйича тизимли ишларни амалга оширишни;

молиялаштириш манбаларини ўрганиш ҳамда кредитлар, қарзлар ва грантларни жалб қилиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда баҳолашни;

молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни жалб этиш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш соҳасида бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

8. Бошқарувчи идорасининг фаолиятини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси марказий аппаратининг штатлар сони 10 та бирликка кўпайтирилсин.

Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 августдаги «Халқаро молиявий институтлар, хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлар ва донор мамлакатлар маблағларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 229-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Р. Холмуродов, Ж.А. Кучкаров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 декабрь,
ПҚ-3439-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1241 Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 21,0 млрд сўм маблағ ажратилганлиги;

Таълим бўйича глобал ҳамкорлик гранти — бегараз техник кўмагидан фойдаланган ҳолда «Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш» лойиҳаси (кейинги ўринларда «Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш» лойиҳаси деб аталади) доирасида 2018 йилда мактабгача таълим муассасалари учун жами 2 453,0 минг АҚШ долларлик товар ва хизматлар етказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида мактабгача таълим муассасалари учун товар ва хизматларни харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

ушбу товар ва хизматларни мактабгача таълим муассасаларига тақсимлаш, улардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда «Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида 2018 йилда амалга оширилдиган ишлар бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 18 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилган 21,0 млрд сўм маблағдан самарали фойдаланиш бўйича харажатлар сметаси ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига тақдим этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, туманлар ва шаҳарларда (Тошкент шаҳри бундан мустасно) инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан «ноль» қийматда бино бериш ҳамда хусусий инвесторларнинг ўзига мулк ҳуқуқи асоида тегишли бўлган биноларда ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг 2023 йил 1 январгача фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун тўловнинг 50 фоизи ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ойлик компенсацияларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ва мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 декабрь,
991-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 декабрдаги 991-сон қарорига
ИЛОВА

**Нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан
фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари
учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ойлик
компенсацияларни тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан ойлик компенсация тўловини (кейинги ўринларда ойлик компенсация тўлови деб аталади) тўлаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ойлик компенсация тўлови туманлар ва шаҳарларда (Тошкент шаҳрининг туманлари бундан мустасно) хусусий инвесторларга инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан «ноль» қийматда берилган давлат кўчмас мулки биноларида ёки хусусий инвесторларнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган биноларда ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб аталади) томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун тўловларнинг 50 фоиз миқдори Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

3. Ойлик компенсация тўлови таълим муассасасининг фақат мактабгача таълим фаолиятини юритиш жараёнида фойдаланиладиган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун қоплаб берилади.

4. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ойлик компенсацияларни тўлаш мазкур низомга 1-иловадаги схемага асосан амалга оширилади.

**2-боб. Ойлик компенсация тўловини ҳисоблаш ва
тўлаб бериш тартиби**

5. Таълим муассасаси заруратдан келиб чиқиб, ойлик компенсация тўловини олиш учун тегишлилигича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ёки вилоят молия бош бошқармасига (кейинги ўринларда молия органи деб аталади) ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатларни илова қилади:

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини тасдиқловчи гувоҳнома;

таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

таълим муассасаси жойлашган бино тўғрисида маълумот (хусусий инвесторга бино «ноль» қийматда берилганини тасдиқловчи туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарори ёки бино хусусий инвесторга мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини тасдиқловчи кадастр ва бошқа ҳужжатлар нусхалари);

таълим муассасаси ҳамда электр энергияси ва табиий газ хизматларини етказиб берувчилар билан белгиланган тартибда тузилган шартномалар нусхаси (кейинги ўринларда шартномалар деб аталади).

6. Молия органи таълим муассасасининг аризасини ариза тушган кундан бошлаб, уч иш куни мобайнида мазкур Низомда белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқади ва аризани қаноатлантириш ёки уни рад этиш бўйича қарор қабул қилади.

7. Молия органи тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан икки иш кунидан кечиктирмай таълим муассасасини ойлик компенсация тўлаш ёки аризани рад этиш тўғрисида ёзма шаклда, шу жумладан электрон ахборот тизими орқали хабардор қилиши шарт.

8. Таълим муассасасига қоплаб бериладиган ойлик компенсация тўлови ушбу таълим муассасаси томонидан ҳисобот ойида фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун тўловлар суммасидан келиб чиққан ҳолда, ушбу хизматларни етказиб берувчи ташкилотлар билан тузилган шартнома суммалари доирасида ҳисобланади.

Компенсация тўлови суммаси қопланиши лозим бўлган ҳисобот ойдан бошлаб, ўн икки ой давомида мазкур Низомда белгиланган тартибда тўлаб берилиши мумкин.

9. Молия органи таълим муассасаси томонидан тақдим этилган солиштириш далолатномаларидаги электр энергияси ва табиий газ хизматлари ҳажмини уларнинг шартномада кўрсатилган ҳажмлари билан солиштиради.

10. Ойлик компенсация тўлови электр энергияси ва табиий газ хизматларини етказиб берувчи ташкилотлар ва таълим муассасаси ўртасида тузилган солиштириш далолатномаларида кўрсатилган ҳақиқатда фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун тўланган сумманинг 50 фоизи миқдорида қоплаб берилади.

11. Таълим муассасаси томонидан шартномаларда белгиланган меъёрдан ортиқча фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун тўловларни, шунингдек, пеня ва жарималарни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тақиқланади.

12. Ойлик компенсация тўлови тегишли молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар вилоят бюджетларининг параметрларида иктисодиёт харажатлари учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда режалаштирилади.

13. Таълим муассасаси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 санасигача ойлик компенсацияларни олиш учун молия органига электр энергияси ва табиий газ хизматларини етказиб берувчи ташкилотлар билан белгиланган тартибда тузилган солиштириш далолатномаларини ҳамда ҳисобот даврига-

ча бўлган охириги 12 ой давомида таълим муассасасига тўлаб берилган компенсация тўловлари тўғрисида маълумотни мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ тақдим этади.

14. Молия органи ҳудуддаги таълим муассасалари томонидан тақдим этилган далолатномаларни умумлаштириб, ойлик компенсация тўловини тўлаш учун мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ойлик компенсация тўловлари қоплаб бериладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг реестрини тузади ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20 санасигача тегишли фазначилик бўлинмасига тўловни амалга ошириш учун тақдим этади.

15. Фазначилик бўлинмаси ойлик компенсацияларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 22 санасигача молия органи томонидан тақдим этилган реестр асосида тегишли таълим муассасасининг тижорат банкларидаги ҳисоб-рақамларига белгиланган тартибда ўтказиб беради.

3-боб. Яқуний қоидалар

16. Таълим муассасаларига қоплаб бериладиган ойлик компенсацияларни тўлаш учун тақдим этилган маълумотларнинг асослиги ва тўғрилигига таълим муассасасининг раҳбари шахсан жавоб беради.

17. Таълим муассасаси томонидан ойлик компенсация тўловларини қоплаш учун молия органига тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг сохталиги аниқланганда, таълим муассасасининг раҳбари ва тегишли ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ҳамда ушбу муассаса электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ойлик компенсация тўловлари қоплаб бериладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг реестридан чиқарилади.

18. Ойлик компенсация тўловларининг мақсадли сарфланиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати органларига юкланади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ойлик компенсацияларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ойлик компенсацияларни тўлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъект	Тадбирлар	Бажариш мuddати
1-босқич	Таълим муассасаси	Ойлик компенсация тўловини олиш учун молия органларига ариза билан мурожаат қилиш.	заруратдан келиб чиқиб
↓			
2-босқич	Молия органи	Мурожаатни белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқиш ва мурожаатни қаноатлантириш ёки уни рад этиш бўйича қарор қабул қилиш. Таълим муассасасини ойлик компенсация тўлаш ёки мурожаатни рад этиш тўғрисидаги қарор ҳақида ёзма шаклда, шу жумладан электрон ахборот тизими орқали хабардор қилиш.	3 иш куни давомида 2 иш куни давомида
↓			
3-босқич	Таълим муассасаси	Ойлик компенсацияларни олиш учун молия органига электр энергияси ва табиий газ хизматларини етказиб берувчи ташкилотлар билан белгиланган тартибда тузилган солиштириш далолатномаларини тақдим этиш.	ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 санасигача
↓			
4-босқич	Молия органи	Электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ойлик компенсация тўловлари қошлаб бериладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг реестрини тузиш ва газначилик бўлинмасига тўловни амалга ошириш учун тақдим этиш.	ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20 санасигача
↓			
5-босқич	Ғазначилик бўлинмаси	Тақдим этилган реестр асосида тегишли таълим муассасасининг тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига ойлик компенсацияларни белгиланган тартибда ўтказиб бериш.	ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 22 санасигача

Нодавлат мактабгача таълим муассасалари
томонидан фойдаланилган электр энергияси ва
табiiй газ хизматлари учун Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджетидан ойлик
компенсацияларни тўлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**20__ йилда нодавлат мактабгача таълим муассасасига тўлаб
берилган компенсация тўловлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ҳисобот даври	Сана	Тўловга тақдим этилган сумма	Ҳақиқатда тўланган сумма
1.				
2.				
3.				
4.				

Таълим муассасаси раҳбари

_____ (Ф.И.О)

Таълим муассасаси бош
ҳисобчиси

_____ (Ф.И.О)

Нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан
 фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари
 учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ойлик
 компенсацияларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
 3-ИЛОВА

**Электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ойлик компенсация
 тўловлари қоплаб бериладиган _____ даги нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг
 РЕЕСТРИ**

20__ йил _____ ойи учун

Т/р	Нодавлат мактабгача таълим муассасаси номи (тўлиқ кўрсатилади)	Юридик манзили	СТИР	Банк реквизитлари	Табиий газ		Электр энергияси		минг сўм
					тўланган сумма	қоплаб бериладиган сумма	тўланган сумма	қоплаб бериладиган сумма	жами қоплаб бериладиган сумма
Жами:		x	x						

Молия бош бошқармаси
 бошлиғи ўринбосари _____
 (Ф.И.О)

Бўлим бошлиғи _____
 (Ф.И.О)

Ҳазначилик бўлинмаси
 масъул ходими _____
 (Ф.И.О)

20__ йил «__» _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1242 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3237-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3237-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 декабрь,
992-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 19 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 декабрдаги 992-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда):

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳамда донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида бериладиган хорижий грантлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштириладиган ва битта контракт бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлган импорт қилинадиган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш тендер асосида амалга оширилади.

Қўйидаги ҳолларда тендерлар ўтказилмайди, агар:

товарлар (ишлар, хизматлар) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ харид қилинаётган бўлса; донор мамлакатларнинг, тегишли халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг тартиботларида ёки Ўзбекистон Республикаси давлат қафолати остида хорижий кредитлар ва хорижий грантлар бериш шартларида ўзгача ҳол белгиланган бўлса.»;

б) иловада:

2-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Тендер савдолари 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ битта контракт бўйича товарлар етказиб беришни амалга оширишда ўтказилади.

Камида 1 минг АҚШ доллари суммасидаги бир контракт бўйича етказиб беришда харид товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархи, сифати ва етказиб бериш муддатлари бўйича энг мақбул шартларни таклиф этган етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Бир минг АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача суммага битта контракт бўйича етказиб беришда харид:

харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг тавсифномасини, сонини, бажариш муддатини ва товарни етказиб бериш жойини кўрсатган ҳолда таклифларни етказиб берувчиларга ёки пудратчиларга юбориш;

етказиб берувчилар ёки пудратчилар эълон қилган нархлар ва тавсифномаларни таққослаш йўли билан буюртмачилар томонидан ташкил этиладиган идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан амалга оширилади.

Идоравий танлов комиссия буюртмачининг раҳбар ходимлари ва ваколатли мутахассисларидан камида уч нафардан иборат бўлган таркибда тузилади. Идоравий комиссиянинг қарори протокол билан расмийлаштирилади.».

5¹-банддан «2» ва «3» кичик бандлар чиқариб ташлансин;

5³ — 5³-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

9-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тендер комиссияси харид қилувчи ташкилот (кейинги ўринларда «буюртмачи» деб аталади) томонидан тузилади.»;

10-бандда:

учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин; қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» республика лойиҳа институти, шунингдек, буюртмачининг тармоқ илмий-техник кенгашлари вакиллари.»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

19-банднинг биринчи хатбошидаги «тендер тўғрисидаги эълонларни Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг (ЎзРТХБ) махсус ахборот порталида жойлаштиради ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

23-бандга қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳани бошқариш миллий агентлиги билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилиши керак.».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудда капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-бандга «битта контракт бўйича 100 минг АҚШ долларидан ортиқ суммага» сўзлари қўшилсин;

в) 9-банднинг еттинчи хатбошидаги «тендер тўғрисидаги эълонларни Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг (ЎзРТХБ) махсус ахборот порталида жойлаштиради ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 13-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Танлов комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» республика лойиҳа институти, шунингдек, буюртмачининг тармоқ илмий-техник кенгашлари вакиллари мажбурий тартибда киритилади.»;

д) 27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Камида 1 минг АҚШ доллари суммасидаги битта контракт бўйича етказиб беришда харид товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархи, сифати ва етказиб бериш муддатлари бўйича энг мақбул шартларни таклиф этган етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Бир минг АҚШ долларида 100 минг АҚШ долларигача суммага битта контракт бўйича етказиб беришда харид баҳолаш комиссияси томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан эркин савдода амалга оширилади. Талабгорларга юбориладиган офертада харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг тавсифи ва сони, бажариш муддати ва товарни етказиб бериш жойи ҳақидаги маълумот бўлиши керак.»;

е) 31-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 46-банддаги «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг (ЎзРТХБ) махсус ахборот порталида» сўзлари чиқариб ташлансин;

з) 47-банднинг ўнинчи хатбошидаги «ЎзРТХБнинг махсус ахборот порталида» ва «ЎзРТХБнинг махсус ахборот порталида жойлаштирилади ва» сўзлари чиқариб ташлансин, «нашрида» сўзи «нашрида жойлаштирилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 52-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳани бошқариш миллий агентлиги билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилиши керак.».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 107-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси томонидан ташкил этиладиган электрон савдолар воситасида» сўзлари «буюртмачилар томонидан ташкил этиладиган идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Тендер савдолари 100 минг АҚШ долларида ортиқ бўлган суммага битта контракт бўйича ўқув адабиётлари нашр этилганда ва қайта нашр этилганда амалга оширилади.

Бир минг АҚШ долларида кам суммага битта контракт бўйича ўқув адабиётларини нашр этиш ва қайта нашр этишда ношир нарх, сифат ва муддатлар бўйича энг мақбул шартларни таклиф этганлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан аниқланади.

Бир минг АҚШ долларида 100 минг АҚШ долларигача суммага битта контракт бўйича ўқув адабиётларини нашр этиш ва қайта нашр этишда

ношир буюртмачилар томонидан ташкил этиладиган идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан аниқланади.

Истисно ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида ўқув адабиётларини нашр этиш ва қайта нашр этишга контрактлар тендер (танлов) савдолари ўтказилмасдан тузилиши мумкин.»;

11-банднинг биринчи хатбошига қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла қўшилсин:

«Тендер комиссияси буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» республика лойиҳа институти, шунингдек, буюртмачининг тармоқ илмий-техник кенгашлари вакиллари мажбурий тартибда жалб этилган ҳолда ташкил этилади.».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 35-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, республика бюджетидан маблағлар ажратиш билан боғлиқ қарорлар ва фармойишлар лойиҳалари мажбурий тартибда тегишли равишда — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан, ташқи савдо билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, ягона давлат инвестиция сиёсатини мувофиқлаштириш, шакллантириш ва амалга ошириш масалалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан, лойиҳа бошқаруви, давлат органларида ва бошқа ташкилотларда замонавий технологияларни жорий этиш концепциялари ишлаб чиқилиши ва таҳлил этилишини таъминлаш масалалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан, фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича эса — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан мажбурий тартибда келишилиши керак.».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 49-сон, 612-модда) билан тасдиқланган 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси 4-бандининг тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 майдаги 285-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 20-сон, 365-модда):

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Қуйидагилар:

Тармоқ илмий-техник кенгашларини ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

хузурида тармоқ илмий-техник кенгашлари фаолият кўрсатувчи инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи органлар, ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.»;

б) 2-банддаги «ҳамда ихтисослаштирилган тармоқ эксперт кенгашларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 3-илова 2-илова деб ҳисоблансин;

д) 2-иловада:

илованинг номидан «ҳамда ихтисослаштирилган тармоқ эксперт кенгашларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

13-банддаги ««Ўзбекнефтгаз» МХК» сўзлари ««Ўзбекнефтгаз» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» ХК» сўзлари ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банддаги ««Ўзавтосаноат» АК» сўзлари ««Ўзавтосаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 340-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги «Коммунхизмат» агентлиги тўғрисида низом 10-бандининг учинчи хатбошидаги «ва ихтисослаштирилган эксперт» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг

2017 йил 18 декабрдаги 992-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 24-модда) 1-банди, шунингдек, қарорга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 11 июндаги 166-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 38-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекис-

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори)» 2013 йил 23 октябрдаги 287-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 76-модда) илованинг 4-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2015 йил 26 мартдаги 69-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 3-сон, 19-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 9-сон, 80-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонунлари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда) 1-илованинг 105 ва 133-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» акциядорлик жамиятининг махсус ахборот портали ҳамда давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш жараёнларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 27 июлдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 7-сон, 73-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 392-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 107-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон Фармони)» 2017 йил 16 августдаги 638-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 33-сон, 863-модда) 1-илованинг 64-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1243 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ–5229-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фармацевтика тармоғини ривожлантириш бошқармаларининг (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлига, заруратга кўра, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларининг тасдиқланган тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилансинки, ушбу қарорга 2-3-иловаларга мувофиқ тасдиқланаётган янги ташкил этилаётган Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларининг бошқарув ходимлари сони, шу жумладан, ходимлар сони тегишлича қисқартирилиши (жами — 32 бирлик) ҳисобига шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воси-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 19 декабрда эълон қилинган.

талари, тиббий буюмлар ва тиббий техника муомаласини тартибга солиш Бош бошқармаси штатларидан — 2 бирлик;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари дори воситалари ва тиббий буюмлар чакана савдоси шартлари ва лицензия талабларига риоя этиш устидан назорат қилиш бўлинмаларининг ҳар биридан — 2 бирликдан, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасидан — 4 бирлик.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бир ой муддатда белгиланган тартибда:

Агентликнинг марказий аппарати учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги Автобазаси учун назарда тутилган автотранспорт воситаларининг лимитлари доирасида 4 та енгил автотранспорт воситаси, шу жумладан, 3 та — шахсий, 1 та — навбатчи автотранспорт воситаси ажратсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фармацевтика тармоғини ривожлантириш бошқармалари тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

Агентликни зарур ихтисосликка эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Шодмонов ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори З. Дусанов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 декабрь,
993-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 декабрдаги 993-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини
ривожлантириш агентлигининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг марказий аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 декабрдаги 993-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар фармацевтика тармоғини
ривожлантириш бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг жами сони — 4 бирлик.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фармацевтика тармоғини ривожлантириш бошқармалари бошқарув ходимларининг чекланган сони — 56 бирлик.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 декабрдаги 993-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш
агентлиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш асосларини белгилайди.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарорларига амал қилади.

3. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ташкилий-ҳуқуқий шаклларида катъи назар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таркибий бўлинмалари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фармацевтика тармоғини ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида амалга оширади.

Агентлик таркибига кирувчи «O'zmedimpeks» давлат унитар корхонаси, Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникаси экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти ва «Шарқ табobati» илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда идоровий мансуб ташкилотлар деб аталади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган уставларга мувофиқ амалга оширади.

6. Агентлик фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

7. Агентлик мустақил юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

2-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан, давлат-хусусий шерикликни жорий этиш орқали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фармацевтика ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш;

фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳамда уларнинг жаҳон бозорларига киришига кўмаклашиш;

аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникаси, шу жумладан, уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган турлари билан таъминланганлиги ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, шу асосда ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фармацевтика тармоғи корхоналарининг асбоб-ускуналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, хорижий инвестицияларни, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини кенг жалб қилиш;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини ташкил этиш;

Ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг рўйхатини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда, шунингдек, уларга қатъий нархларни белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритишда бевосита иштирок этиш;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етакчи чет эл фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ташкил этишда кўмаклашиш;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулот деб эътироф этиш учун мезонларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникасининг ҳисоби ва реестри юритилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш;

давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари, тиббий

буюмлар, тиббиёт техникаси ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари тармоғини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш; фармацевтика тармоғига халқаро стандартлар жорий этилишини мувофиқлаштириш.

9. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан, давлат-хусусий шерикликни жорий этиш орқали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фармацевтика ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш соҳасида:

фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари бўйича ўртача ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таклифлар кирилади;

аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси билан таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг республика ва ҳудудий дастурларини, шу жумладан, фармацевтика тармоғининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудларига мўлжалланган дастурларни давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси билан таъминлаш дастурларини амалга оширади;

ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларини ташкил қилиш бўйича инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида иштирок этади;

фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун (дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдоси бундан мустасно), шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият учун лицензия олган шахслар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда иштирок этади;

б) фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳамда уларнинг жаҳон бозорларига киришига кўмаклашиш соҳасида;

фармацевтика бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил қилади ва амалга оширади, талаб катта бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда

тиббиёт техникасини, уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ёки мавжуд ишлаб чиқаришларга тузатишлар киритиш мақсадида аниқлайди;

маҳаллий дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникасини ташқи бозорларга чиқаришга кўмаклашади, шунингдек, хорижий давлатларда талаб катта бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун тавсиялар ишлаб чиқади;

в) аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникаси, шу жумладан, уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган турлари билан таъминланганлиги ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, шу асосда ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси билан таъминланганлиги даражасини таҳлил қилади;

аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси билан таъминлаш даражасини ошириш, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этади;

ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳамда тиббиёт техникасининг импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларини ташкил қилиш бўйича таклифлар киритади;

г) фармацевтика тармоғи корхоналарининг асбоб-ускуналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, хорижий инвестицияларни, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини кенг жалб қилиш соҳасида:

дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган моддий-техник база ва технологияларнинг ҳолати мониторингини олиб боради ва таҳлил қилади ҳамда натижалари бўйича ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини ишлаб чиқади;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни назарда тутувчи инвестиция дастурлари рўйхатини ҳар йил ҳудудлар ва ҳар бир корхона бўйича ишлаб чиқади ва ваколатли органларга тақдим этади;

дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникасининг чет элдаги инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришларини таҳлил қилади ҳамда ушбу таҳлил асосида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бўйича таклифлар киритади;

мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

д) дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини ишлаб

чиқариш жараёнига инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини ташкил этиш соҳасида:

оригинал ва самарали дори воситалари яратиш ва уларнинг туркумли ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини ташкил этади;

илмий-тадқиқот муассасалари ва фармацевтика корхоналари ўртасида тайёр илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва тадқиқотларнинг, шу жумладан, ўсимликлардан дори воситалари ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотларнинг янги йўналишларини бошлаш бўйича кооперацияни таъминлайди;

дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси ишлаб чиқариш бўйича инновацион ишланмаларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

е) Ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг рўйхатини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда, шунингдек, уларга қатъий нархларни белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритишда бевосита иштирок этиш соҳасида:

Ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини такомиллаштириш мақсадида импорт қилинадиган ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг номенклатурасини таҳлил қилади;

ички ва ташқи фармацевтика бозорларининг нарх конъюктурасини, импорт қилинадиган ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббий буюмларга нархларнинг шаклланиши механизмларини ўрганади, ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг қатъий нархларини белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига таклифлар киритади;

ж) дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етакчи чет эл фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ташкил этишда кўмаклашиш соҳасида:

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан етакчи хорижий компаниялар ўртасида ҳамкорликни ташкил этади;

маҳаллий ташкилотлар вакилларининг халқаро фармацевтика кўرғазмаларида, форумлар, конференциялар, семинарларда ҳамда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган миллий кўрғазмаларда иштирок этишини таъминлайди;

халқаро ташкилотлар, ҳукуматлараро комиссиялар (гуруҳлар) ва бизнес-форумлар ишида қатнашади;

з) дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулот деб эътироф этиш учун мезонларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш соҳасида:

ишлаб чиқарувчи ташкилотларда дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни босқичларининг маҳаллийлаштирилганлиги даражасини таҳлил қилади;

дори воситалари, тиббий буюмлари ва тиббиёт техникасини маҳаллий

ишлаб чиқарилган маҳсулот деб эътироф этиш учун мезонларни белгилаш бўйича тавсиялар киритади;

и) дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини давлат рўйхатидан ўтказиш, сифатини назорат қилиш, стандартлаштириш ва сертификатлаш амалга оширилишини таъминлайди;

тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникаси давлат реестри юритилиши ва даврий нашр эълон қилинишини таъминлайди;

Давлат фармакопеяси шакллантирилишини таъминлайди;

фармокологик ва/ёки дори воситалари ва тиббий буюмларнинг клиникага ва клиник тадқиқотлари натижалари экспертизадан ўтказилишини ташкил қилади;

дори воситалари ва «in vitro» ташхис воситаларига фармакопея ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, келишиш ва тасдиқлашни, шунингдек, тиббий буюмлар («in vitro» ташхис воситаларидан ташқари) ва тиббиёт техникасини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва келишишни ташкил қилади;

фармокологик назорат амалга оширилишини таъминлайди;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасининг зарарли таъсири аниқланганда уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, импорт қилиш ва сотишни белгиланган тартибда тўхтатиб туришни таъминлайди;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини сертификатлаш органлари, шу жумладан, синов лабораториялари фаолияти мувофиқлаштирилиши ва назорат қилинишини таъминлайди;

сертификатланадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш шароитларини баҳолаш амалга оширилишини таъминлайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мурожаатлари бўйича дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини экспертизадан ўтказишни таъминлайди;

фармацевтика тармоғи мутахассисларини малака ошириш курсларида, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ёки хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитишни ташкил қилади;

к) давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникасининг ҳисоби ва реестри юритилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш соҳасида:

давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникасининг электрон реестрини ишлаб чиқади ва юритади;

давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт техникаси ҳолати мониторингини олиб боради, уларни таъмирлаш ва янгилаш, шунингдек, уларга техник хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича таклифлар киритади;

л) давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари, тиб-

бий буюмлар, тиббиёт техникаси ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидини ташкил этиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хар йили белгиланадиган эҳтиёжлар асосида ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмлар, тиббиёт техникаси ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидини таъминлайди;

давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари ва тиббий буюмлар, тиббиёт техникаси ва махсус тиббиёт автотранспортини харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида ташкил қилинган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари фаолиятини дори воситалари ва тиббий буюмлар, тиббиёт техникаси ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидига тегишли қисми бўйича мувофиқлаштиради;

ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сунъий танқислигини вужудга келтириш ва нархларини сунъий оширишга йўл қўймасликка қаратилган комплекс чора-тадбирларни доимий равишда ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир даволаш-профилактика муассасасига, шу жумладан, чекка қишлоқ жойларига етказиб берилишини таъминлайди;

м) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари тармоғини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш соҳасида:

тасдиқланган жойлаштиришга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналар тармоғи ташкил этилиши ва фаолият юритишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналарини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан узлуксиз таъминлашни ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари фаолиятини мувофиқлаштиради ва улар фаолияти устидан идоравий назоратни амалга оширади;

н) фармацевтика тармоғига халқаро стандартларнинг жорий этилишини мувофиқлаштириш соҳасида:

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасининг маҳаллий стандартларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришни таъминлайди;

дори воситаларини ишлаб чиқариш, муомаласини тартибга солиш, сифатини назорат қилиш ҳамда «ISO» сифатни бошқариш тизимларини ва Зарур тарздаги амалиётни (GxP) жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

фармацевтика тармоғи корхоналарига халқаро стандартларни жорий қилишда кўмаклашади;

Зарур тарзда ишлаб чиқариш амалиёти қоидалари (GMP), Зарур тарзда дистрибуция амалиёти қоидалари (GDP), Зарур тарзда сақлаш амалиёти

қоидалари (GSP), Зарур тарзда клиника амалиёти қоидалари (GCP), Зарур тарзда лаборатория амалиёти қоидалари (GLP), Зарур тарзда дорихона амалиёти қоидалари (GPP) талабларига мувофиқлик бўйича аудит ўтказилишини ва тегишли хулоса ва/ёки сертификатлар берилишини ташкил қилади.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Агентлик юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика фармацевтика тармоғини ривожлантиришни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

хорижий мамлакатлардан импорт қилинадиган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлашни амалга ошириш;

Агентликка юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини ва мутахассисларни жалб қилиш;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича тўғридан-тўғри маълумот алмашиш;

фармацевтика тармоғининг эркин иқтисодий зоналарини ташкил қилиш, фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларни бошқариш масалаларини келишиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот материаллари, даврий нашрлар ва бошқа босма маҳсулотларни чиқариш ҳамда тарқатиш;

фармацевтика корхоналарининг Зарур тарзда ишлаб чиқариш амалиёти қоидаларига (GMP) мувофиқлигини сертификатлаш;

фармацевтика тармоғи мутахассисларининг малакасини ошириш;

фармацевтика тармоғи соҳасидаги муаммолар бўйича мувофиқлаштирувчи, илмий-техник, идоралараро эксперт комиссиялари ташкил қилиш, махсус йиғилишлар чақириш, шунингдек, ушбу муаммоларни ўрганиш, маслаҳатлашиш ва уларни ҳал қилиш учун маҳаллий ва хорижий мутахассисларни, экспертларни жалб қилиш;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасига белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатлари бериш;

фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини, шу жумладан, идоралар-аро тусдаги шартномаларни ишлаб чиқишда қатнашиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

12. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошчилик қилади.

Агентлик директори мақоми, маиший, тиббий ва транспорт таъминоти шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарларга эга бўлади.

Агентликнинг ҳудудий бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири билан келишган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг тегишли ходимларига тенглаштирилади.

13. Агентлик директори зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун:

а) Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

б) Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

в) ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

г) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига:

Агентлик фаолияти натижалари ҳақидаги ҳисоботни;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларини;

идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш ҳақида тақдимномаларни;

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги таклифларни киритади (тақдим этади);

д) Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, ўз ўринбосарларининг ҳамда Агентлик, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражаларини белгилайди;

е) ўз ваколатлари доирасида Агентлик ходимлари томонидан бажари-

лиши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда кўрсатмалар беради;

ж) Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

з) қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

14. Агентлик директори иш жойида бўлмаган ҳолларда унинг ваколатларини директорнинг биринчи ўринбосари амалга оширади.

5-боб. Яқунловчи қоида

15. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 декабрдаги 993-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини (кейинги ўринларда баҳолаш деб аталади) белгилайди.

2. Баҳолашдан мақсад Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши самарадорлигини аниқлашдир.

3. Баҳолаш учун қуйидагилар маълумот манбалари ҳисобланади:
расмий статистик маълумотлар;
амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар;
Агентлик фаолияти мониторинги натижалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган текширишлар ва ўрганишлар натижалари;

холис экспертлар хулосалари;

Агентлик фаолияти соҳасидаги ижтимоий тадқиқотлар натижалари; нодавлат нотижорат ташкилотлари маълумотлари.

4. Баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги деб аталади) томонидан йил якунига кўра ҳар йили ўтказилади.

5. Баҳолашни ўтказиш режаси Агентлик томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига йил якунига кўра статистик ва бошқа маълумотларнинг тақдим этилиши муддатларини ўз ичига олади.

2-боб. Баҳолаш мезонлари

6. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги куйидаги мезонларга кўра баҳоланади:

а) фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан, давлат-хусусий шерикликни жорий этиш орқали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фармацевтика ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт техникаси билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш соҳасида:

фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг, шу жумладан, фармацевтика тармоғини эркин иқтисодий зоналарда ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган дастурлари сони;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳамда ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш параметрлари бажарилиши;

давлат инвестиция дастурлари бажарилиши параметрлари бажарилиши, фармацевтика тармоғига инвестициялар жалб этилишининг ўсиши;

б) фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳамда уларнинг жаҳон бозорларига киришига кўмаклашиш соҳасида:

янги номдаги дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

фармацевтика маҳсулотларининг янги хорижий бозорларини ўзлаштириши;

хорижий мамлакатларда рўйхатдан ўтказилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника сони;

маҳсулот экспорти кўрсаткичининг ўсиши;

в) аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникаси, шу жумладан, уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган турлари билан таъминланганлиги ҳолатини тизимли

тахлил қилиш, шу асосда ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлиги даражаси;

янги турдаги дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника, шу жумладан, ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўрсаткичларининг бажарилиши;

г) фармацевтика тармоғи корхоналарининг асбоб-ускуналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, хорижий инвестицияларни, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини кенг жалб қилиш соҳасида:

ишлаб чиқарувчи ташкилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш даражаси;

хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш ҳажмлари;

д) дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини ташкил этиш соҳасида:

яратилган янги дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника сони, шу жумладан, жалб этилган грантлар ҳамда яратилган янги дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши даражаси;

е) Ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг рўйхатини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда, шунингдек, уларга қатъий нархларни белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритишда бевосита иштирок этиш соҳасида:

ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмлар импортини, уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ички бозорда реализация қилишни таъминлаш ҳисобига қисқартириш;

ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг қатъий нархларини белгилашда иштирок этиш ва улар билан аҳолининг таъминланганлиги даражаси;

ж) дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етакчи чет эл фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ташкил этишда кўмаклашиш соҳасида:

фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича хорижий фармацевтика компаниялари билан тузилган шартномалар сони;

хорижий фармацевтика компанияларини ҳамкорликка жалб этиш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш даражаси ҳамда янги ташкил этилган қўшма корхоналар сони;

з) дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулот деб эътироф этиш учун мезонларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш соҳасида:

маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дори воситалари, тиббий буюмлар ва

тиббиёт техникаси мезонларга кўра маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулот деб эътироф этилишини асослаш даражаси;

и) дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларига риоя этилиши;

клиник тадқиқотлар ўтказилиши ҳолати;

к) давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникасининг ҳисоби ва реестри юритилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш соҳасида:

давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникаси электрон реестрининг тўлиқлиги ва ўз вақтида юритилиши;

давлат соғлиқни сақлаш муассасаларидаги тиббиёт техникасининг техник ҳолати даражаси;

л) давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббиёт техникаси ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидини ташкил этиш соҳасида:

дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббиёт техникаси ва махсус тиббиёт автотранспортининг тўлиқ ва ўз вақтида марказлаштирилган хариди, шунингдек, уларнинг ўз вақтида етказиб берилиши;

м) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари тармоғини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш соҳасида:

республика ҳудудларини ижтимоий дорихоналар тармоғи билан қамраб олиш даражаси;

ижтимоий дорихоналарнинг ижтимоий аҳамиятли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлиги даражаси;

н) фармацевтика тармоғига халқаро стандартларнинг жорий этилишини мувофиқлаштириш соҳасида:

ISO халқаро сифат менежменти тизими ва Зарур тарздаги ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) халқаро стандартлари талаблари жорий этилган ташкилотлар сони;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникаси миллий стандартларининг халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилиши даражаси;

аудит ўтказиш ва Зарур тарздаги амалиётлар қоидаларига (GxP) мувофиқликка сертификатлар ёки хулосалар бериш муддатлари, тартибларига риоя этиш.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган мезонлар бўйича Агентлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, уларни методологик қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси билан келишган ҳолда

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

8. Агентлик фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Агентлик билан биргаликда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар тайёрланади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

9. Соғлиқни сақлаш вазири ва Агентлик директори агентликнинг фаолияти тўғрисида мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот беради.

10. Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қиладиган комплекси раҳбари Агентлик раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун улар фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

11. Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича Агентликнинг алоҳида ўрнатилган кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

12. Агентлик раҳбарияти фаолият самарадорлиги сифатини ошириш чоралари ўз вақтида кўрилиши учун шахсан жавоб беради.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****1245 2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
ни тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 5¹-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 103-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-мб-сон «2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2843, 2016 йил 1 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 553-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 10 августдаги 4-мб-сон «2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2843-1, 2017 йил 17 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 33-сон, 870-модда).

3. Ушбу қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 9 ноябрь,
6-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 20 декабрда эълон қилинган.

** 1 — 103-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1246 Фермер хўжалиklarининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2957

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ–3318-сон «Фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **қарор қилди:**

1. Фермер хўжалиklarининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 ноябрдаги 108, 02/528, 327-В-сон «Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши тизими фаолиятини молиялаштириш маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2542, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 702-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
177-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 20 декабрда эълон қилинган.

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
347-В-сон

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири****З. МИРЗАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
40-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Марказий банк
Бошқаруви, Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги
177, 347-В ва 40-сон қарорига
ИЛОВА

**Фермер хўжалиklarининг аъзолик бадалини
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа
ер эгалари кенгашига ўтказиш ва тасдиқланадиган смета
асосида харажат қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ–3318-сон «Фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фермер хўжалиklarининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашига (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Кенгаш тизимини молиялаштириш учун фермер ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиklarининг туман фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашларига (бундан буён матнда туман кенгаши деб юритилади) аъзолик бадали тўловини амалга оширишини ҳамда Кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашлари (бундан буён матнда худудий кенгаш деб юритилади) ва туман кенгашлари ҳисобварағига келиб тушган маблағларни тўплаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш учун татбиқ этилади.

2. Кенгаш Уставига мувофиқ Кенгаш фаолиятини молиялаштириш манбалари куйидагилар ҳисобланади:

- аъзолик бадаллари;
- хайрия маблағлари ва грантлар;
- тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромад (фойда);
- конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

2-боб. Маблағларни шакллантириш

3. Кенгашларга аъзолик бадали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ–3318-сон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари томонидан ҳар йили пахта хом ашёси харид нархининг 0,8 фоизи миқдордаги маблағлари ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишлардаги фаолият турлари билан шуғулланувчи фермер ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари аъзолик шартномасида белгиланган миқдорда ўз даромадлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланadиган Давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган ғалла ҳосили якуний ҳисоб-китоби махсус кўрсатмаларида Кенгашни молиялаштириш бўйича фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларга асосан тўловлар белгиланиши мумкин.

5. Туман кенгаши туманда фаолият кўрсатаётган ҳар бир фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари билан ихтиёрийлик асосида аъзолик шартномаси (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузади.

6. Кенгашга пахта хом ашёси харид нархида кўзда тутиладиган 0,8 фоиз миқдордаги маблағни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишлардаги фаолият турлари билан шуғулланувчи фермер ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиklarининг аъзолик бадалларини кирим қилиш учун туман кенгашларига тижорат банкларида алоҳида махсус ҳисобварақлари белгиланган тартибда очилади.

7. Фермер хўжаликлари томонидан ҳар йили пахта хом ашёси харид нархининг 0,8 фоизи миқдордаги фермер хўжалиklarининг махсус ҳисобварағига кирим қилинган маблағлар ҳисобидан аъзолик бадали суммаси мутаносиб равишда ойма-ой туман кенгашлари томонидан шартномага мувофиқ қўйиладиган тўлов талабномалари асосида туман кенгашларининг махсус ҳисобварағига ўтказиб берилади.

8. Туман кенгашларининг махсус ҳисобварақларига фермер хўжалиklarидан аъзолик бадаллари учун келиб тушган маблағлар кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда банк ҳисобварағи шартномасига асосан мемориал

ордер орқали тўлиқ ҳудудий кенгашнинг алоҳида махсус ҳисобварағига ўтказилади.

9. Ҳудудий кенгашнинг алоҳида махсус ҳисобварағига туман кенгашларидан келиб тушган маблағлар кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда банк ҳисобварағи шартномасига асосан мемориал ордер орқали тўлиқ Кенгашнинг алоҳида махсус ҳисобварағига ўтказилади.

10. Қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишлардаги фаолият турлари билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиklarининг аъзолик бадаллари ҳам тузилган шартномаларга асосан уларнинг тўлов топшириқномаларига мувофиқ туман кенгашларининг махсус ҳисобварақларига ўтказиб берилади.

3-боб. Маблағлардан фойдаланиш

11. Кенгашнинг махсус ҳисобварағида жамланган аъзолик бадаллари маблағларидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, ҳудудий ва туман фермерлар кенгашларининг йиллик даромадлар прогнози ва харажатлар сметаларига асосан фойдаланилади.

12. Махсус ҳисобварақларда йиғилган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланилмайди.

13. Кенгаш, ҳудудий ва туман кенгашларининг ҳисобварақларига хайрия маблағлари ва грантлар, тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромад (фойда) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан келиб тушадиган маблағлар уларнинг асосий ҳисобварақларига киради қилинади ва мазкур кенгашлар тасарруфида қолади. Ушбу маблағлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз уставларида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

4-боб. Жавобгарлик ва назорат

14. Кенгашга, ҳудудий ва туман кенгашларига уларнинг Уставида белгиланган вазифалар асосида фермер, деҳқон хўжалиklarини ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан жавобгарлик юклатилади.

15. Фермер ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиklarига шартномада кўрсатилган аъзолик бадалларини белгиланган муддатларда тўлаб бериш мажбурияти юклатилади.

16. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklarи ва томорқа ер эгалари кенгаши, ҳудудий ва туман фермерлар кенгашларининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметаларининг тўғрилиги ва асосланганлиги ҳамда маблағларни мақсадли ишлатилиши учун Кенгаш, ҳудудий ва туман кенгашлари раҳбарлари шахсан жавобгардирлар.

17. Маблағларни тўғри ва мақсадли ишлатишни назорат қилиш Кенгаш зиммасига юклатилади.

5-боб. Якуний қоидалар

18. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

19. Мазкур Низом Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси билан келишилган.

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаши раиси*

Б. ЮСУПОВ

2017 йил 27 ноябрь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг
давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини
техника билан жиҳозлашни мақсадли
молиялаштириш жамғармаси директори*

Ш. МИРЗАЕВ

2017 йил 27 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1248 Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар-
ни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёз-
ларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар
ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-1*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 4 майдаги ПФ–5033-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизмига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 9 августдаги 61, 2016-24, 121-сон қарори (рўйхат рақами 2822, 2016 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 34-сон, 407-модда) билан тасдиқланган Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
164-сон

Б. ХОДЖАЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 декабрда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
2017-64-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
152-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг
2017 йил 27 ноябрдаги 164, 2017-64 ва
152-сон қарорига
ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб
қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банднинг биринчи хатбошисидаги «ишлаб чиқаришга» деган сўзлар «ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари рўйхати бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослашган корхоналарга ҳисобот йили якунига кўра ушбу маҳсулот ишлаб чиқаришдан (ушбу хизматлар кўрсатишдан) тушумнинг улуши реализациянинг умумий ҳажмида 60 фоиздан кам бўлмаган корхоналар қиради.»

3. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлаш учун корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда солиқ имтиёзларини қўллаш санаси бошланиши ҳақида мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда хабардор қилади.»

4. 1-илова ушбу ўзгартиришлар ва қўшимчага 1-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

5. 2-илова қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«4-мисол.

Устав капиталида (фондида) 300 минг АҚШ долларини ташкил этадиган хорижий инвестиция иштирокидаги корхона 2012 йилнинг 16 январидан

рўйхатдан ўтган ҳамда солиқ имтиёзларини тақдим этилиши учун белгиланган мезонларга мувофиқ келгани учун давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 3 йил ичида солиқ имтиёзларини қўллайди. 2015 йилнинг 16 январидан у устав капиталини (фондини) 600 минг АҚШ долларигача оширди, яъни устав капиталини (фондини) ошириш имтиёз даври ичида юз берди. Бироқ устав капитали 3 миллион АҚШ долларидан кам бўлганлиги, уч йиллик имтиёз даври тугаганлиги учун бу унга солиқ имтиёзларини қўллаш муддатини яна узайтиришга имконият бермайди. Шундай қилиб, мазкур корхона учун солиқ имтиёзларини қўллашнинг умумий муддати 3 йилни — 2012 йилнинг 16 январидан бошлаб 2015 йилнинг 15 февралигача ташкил этади.

5-мисол.

Устав капиталида (фондида) 300 минг АҚШ долларини ташкил этадиган хорижий инвестиция иштирокидаги корхона 2010 йилнинг 16 январидан рўйхатдан ўтган ҳамда солиқ имтиёзларини тақдим этилиши учун белгиланган мезонларга мувофиқ келгани учун давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 3 йил ичида солиқ имтиёзларини қўллаш ҳуқуқига эга. Бироқ, корхона 2010 — 2015 йилларда бошқа солиқ имтиёзларини қўллаган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан берилган солиқ имтиёзларини қўлламаган. Бундай ҳолатда корхона юқорида кўрсатилган Фармон асосида имтиёзни қўлламаганлигига қарамасдан, унга уларни қўллаш ҳуқуқи берилмайди. Шундай қилиб, корхона томонидан юқорида кўрсатилган Фармон асосида солиқ имтиёзларини қўллаш учун корхонанинг устав капиталини (фондини) 3 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорга ошириш лозим.»

6. 3-илова ушбу ўзгартиришлар ва қўшимчага 2-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

7. 4-иловада:

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4. ИФУТ »;

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур хабарнома солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали унинг ёзма (икки нусхада), шу жумладан ахборот тизими орқали юборилган электрон шаклда тақдим этилади. Хабарнома ёзма шаклда тақдим этилганда давлат солиқ хизмати органи хабарноманинг бир нусхасига қабул қилинганлиги ҳақида белги қўяди ва иккинчи нусхасини кейинги кундан кечиктирмай аризачига қайтаради.»

8. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Инвестициялар бўйича
давлат қўмитаси раиси*

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

2017 йил 27 ноябрь

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. БЕГАЛОВ

2017 йил 27 ноябрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2017 йил 27 ноябрь

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий
инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар
учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимчага
1-ИЛОВА

«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий
инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар
учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби
тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни
жалб қилувчи корхоналарга тақдим этиладиган имтиёзлар
татбиқ этиладиган иқтисодиёт тармоқларининг
РЎЙХАТИ**

**1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш
техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.**

- 26.11.0 — электрон қисмлар ишлаб чиқариш;
- 26.12.0 — электрон юклаш панеллари ишлаб чиқариш;
- 26.20.0 — компьютерлар ва периферик ускуналар ишлаб чиқариш;
- 26.30.0 — коммуникация ускуналари ишлаб чиқариш;
- 26.40.0 — маиший электроника асбоблари ишлаб чиқариш;
- 26.51.0 — ўлчаш, назорат, синаш ва навигация учун асбоб-ускуналар ишлаб
чиқариш (радиоэлектрон ускуна ва асбоблар қисмида);
- 27.90.0 — бошқа электр асбоблар ишлаб чиқариш;

28.99.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган, махсус вазифаларга мўлжалланган бошқа машина ва ускуналар ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат.

тайёр ип газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек трикотаж газлама ишлаб чиқариш:

- 13.20.1 — ип газлама ишлаб чиқариш;
- 13.20.2 — жун газлама ишлаб чиқариш;
- 13.20.9 — бошқа газламалар ишлаб чиқариш;
- 13.91.0 — тўқилган ва трикотаж полотно ишлаб чиқариш;

тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш:

- 13.92.0 — кийимдан ташқари тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 13.96.0 — бошқа техник ва саноат тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 13.99.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 14.31.0 — тўқилган ва трикотаж пайпоқ-носки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 14.39.0 — бошқа тўқилган ва трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- 14.12.0 — коржомалар ишлаб чиқариш;
- 14.13.0 — бошқа устки кийимлар ишлаб чиқариш;
- 14.14.0 — ички кийимлар ишлаб чиқариш;
- 14.19.0 — бошқа кийимлар ва аксессуарлар ишлаб чиқариш;

табiiй терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати:

- 14.11.0 — чармдан кийимлар ишлаб чиқариш;
- 14.19.0 — бошқа кийимлар ва аксессуарлар ишлаб чиқариш (мўйнали кийим-кечак ишлаб чиқариш қисмида);
- 14.20.0 — мўйнали маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- 15.11.0 — терини ошлаш ва ишлов бериш; мўйнага ишлов бериш ва бўяш (чармдан кийим-кечак ишлаб чиқариш қисмида);
- 15.12.0 — чемоданлар, аёллар сумкалари ва теридан бошқа буюмлар ишлаб чиқариш;
- 15.20.0 — пойафзал ишлаб чиқариш;
- 32.30.0 — спорт товарлари ишлаб чиқариш (чармдан ясалган спорт товарлари қисмида);
- 32.50.0 — медицина ва стоматология асбоблари ва жиҳозлари ишлаб чиқариш (ортопедик пойабзаллар қисмида).

3. Ипакчилик саноати.

шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш:

13.20.3 — ипак газлама ишлаб чиқариш.

Ушбу гуруҳга 13.92.0, 13.99.0, 14.31.0, 14.13.0, 14.14.0, 14.19.0 кодлари ипакдан тайёр буюмлар қисмида киритилиши мумкин.

4. Қурилиш материаллари саноати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ–3586-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш:

- 16.21.0 — шпон, фанер, ёғочдан плита ва панеллар ишлаб чиқариш;
- 16.22.0 — йиғма паркет қопламалар ишлаб чиқариш;
- 16.23.0 — бошқа ёғоч қурилиш конструкциялари ва дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқариш;
- 20.30.0 — бўёқлар, лаклар ва шу каби бўёвчи моддалар, босмахона бўёқлари ва мастикалар ишлаб чиқариш;
- 22.21.0 — пластмасса плиталар, тасмалар, қувурлар ва профиллар ишлаб чиқариш;
- 23.20.0 — ўтга чидамли буюмлар ишлаб чиқариш;
- 23.31.0 — керамик қоплама ва плиталар ишлаб чиқариш;
- 23.32.0 — ғишт, черепица ва пиширилган лойдан бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- 23.52.0 — оҳак ва қурилиш учун гипс ишлаб чиқариш;
- 23.61.0 — бетондан қурилиш учун буюмлар ишлаб чиқариш (пенобетон қисмида);
- 23.62.0 — қурилиш мақсадларига мўлжалланган гипс буюмлар ишлаб чиқариш;
- 23.63.0 — тайёр бетон ишлаб чиқариш;
- 23.64.0 — қуруқ бетон қоришмалари ишлаб чиқариш;
- 23.65.0 — толали цемент ишлаб чиқариш;
- 23.70.0 — тошни кесиш, ишлов бериш ва пардозлаш;
- 23.99.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

01.47.0 — паррандачилик.

6. Озиқ-овқат саноати.

маҳаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкоголсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно):

- 10.32.0 — мева ва сабзавот шарбатларини ишлаб чиқариш;
- 10.61.0 — тегирмон-ёрма саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 10.62.0 — крахмал ва крахмалли маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- 10.71.0 — нон, хамирдан янги тайёрланган қандолат маҳсулотлари, торт ва пирожное ишлаб чиқариш;
- 10.72.0 — сухари ва печенье, хамирдан тайёрланган узоқ сақланадиган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 10.73.0 — макарон маҳсулотлари ва шунга ўхшаш унли маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- 10.81.0 — шакар ишлаб чиқариш;
- 10.82.0 — какао, шоколад ва сершакар қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 10.83.0 — чой ва қаҳва ишлаб чиқариш;
- 10.84.0 — зиравор ва дориворлар ишлаб чиқариш;
- 10.86.0 — болалар овқати ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 10.31.0 — картошкани қайта ишлаш ва консервалаш;
- 10.39.0 — мевалар ва сабзавотларни қайта ишлаш ва консервалашнинг бошқа турлари;
- 10.41.0 — ўсимлик ва ҳайвонлар ёғлари ва мойларини ишлаб чиқариш (ҳайвонлар ёғларидан ташқари);
- 10.42.0 — маргарин ва овқатга ишлатиладиган аралаш ёғлар ишлаб чиқариш;
- 10.52.0 — музқаймоқ ишлаб чиқариш.

7. Гўшт-сут саноати.

гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариёғ, шунингдек ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш:

- 10.13.1 — тузланган, қуритилган ёки дудланган гўшт, парранда гўшти ва озуқавий субмаҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- 10.13.2 — колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 10.13.9 — бошқа тоифаларга киритилмаган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 10.51.0 — сутни қайта ишлаш ва пишлоқ ишлаб чиқариш;
- 10.41.0 — ўсимлик ва ҳайвонлар ёғлари ва мойларини ишлаб чиқариш (ҳайвонлар ёғлари қисмида).

8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.

10.20.0 — балиқ, қисқичбақасимонлар ва моллюскаларни қайта ишлаш ва консервалаш.

9. Кимё саноати.

- 08.91.0 — кимё саноати ва ўғитлар ишлаб чиқариш учун минерал хом ашёлар қазиб олиш;
- 20.11.0 — саноат газлари ишлаб чиқариш;
- 20.12.0 — бўёқ моддалар ва пигментлар ишлаб чиқариш;
- 20.13.0 — бошқа асосий ноорганик кимёвий моддалар ишлаб чиқариш;
- 20.14.0 — бошқа асосий органик кимёвий моддалар ишлаб чиқариш;
- 20.15.1 — ўғитлар ишлаб чиқариш;
- 20.15.2 — азотли бирикмалар ишлаб чиқариш;
- 20.16.0 — бирламчи формаларда пластмасса ишлаб чиқариш;
- 22.29.0 — бошқа пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш;
- 20.30.0 — бўёқлар, лаклар ва шу каби бўёвчи моддалар, босмахона бўёқлари ва мастикалар ишлаб чиқариш;
- 20.41.0 — совун ва ювиш воситалари, тозалаш ва сайқаллаш препаратлари ишлаб чиқариш;
- 20.51.0 — портловчи моддалар ишлаб чиқариш;
- 20.52.0 — елим ишлаб чиқариш;
- 20.59.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган кимёвий моддалар ишлаб чиқариш;
- 20.60.0 — сунъий толалар ишлаб чиқариш;
- 22.21.0 — пластмасса плиталар, тасмалар, қувурлар ва профиллар ишлаб чиқариш;
- 22.23.0 — қурилиш учун пластик буюмлар ишлаб чиқариш;
- 23.14.0 — шиша тола ишлаб чиқариш;
- 26.80.0 — ахборот узатишининг магнит ва оптик воситаларини ишлаб чиқариш.

10. Нефть-кимё саноати.

- 20.17.0 — бирламчи формаларда синтетик каучук ишлаб чиқариш;
- 22.11.1 — резина шина, покришка ва камералар ишлаб чиқариш;
- 22.19.0 — бошқа резина буюмлар ишлаб чиқариш;

11. Тиббиёт саноати, шунингдек ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.

- 21.10.0 — асосий фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- 21.20.0 — фармацевтика препаратларини ишлаб чиқариш;
- 26.60.0 — нурлантирувчи, электр медицина ва электр терапия ускуналари ишлаб чиқариш;

- 30.92.0 — велосипедлар ва ногиронлар аравачалари/креслолари ишлаб чиқариш;
32.50.0 — медицина ва стоматология асбоблари ва жиҳозлари ишлаб чиқариш.

12. Қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш.

- 17.21.0 — гофрировка қилинган қоғоз ва картон, қоғоз ва картон тара (идиш)лар ишлаб чиқариш (қадоқлаш материаллари қисмида);
22.22.0 — товарлар учун пластик қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
25.92.0 — енгил металлдан у паковка материаллари ишлаб чиқариш.

13. Муқобил энергия манбалари негизида электр станциялари қуриш.

14. Кўмир саноати:

кўмирни бойитиш:

- 05.10.0 — тошкўмир қазиб олиш (кўмирни бойитиш қисмида);
05.20.0 — лигнит қазиб олиш (лигнитни бойитиш қисмида);

кўмир брикетларини ишлаб чиқариш:

- 19.20.0 — нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш (кўмир ва лигнитдан брикетлар ишлаб чиқариш қисмида);

сланец саноати:

- 08.11.0 — қурилиш ва пардозлаш учун тош, оҳактош, гипс, бўр ва сланецлар қазиб олиш (ёнувчи сланец қисмида).

15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.

- 24.10.0 — чўян, пўлат ва темир қотишмаларни ишлаб чиқариш;
24.31.0 — совуқ ҳолда чўзиш;
24.32.0 — тасма ва тор тасмаларни совуқ ҳолда прокатка қилиш (ёйиш);
24.33.0 — совуқ ҳолда қолиплаш ёки фальцовка қилиш;
24.34.0 — совуқ ҳолда чўзиб тортиш йўли билан сим ишлаб чиқариш;
25.93.0 — симдан буюмлар, занжирлар ва пружиналар ишлаб чиқариш;
25.94.0 — маҳкамлаш учун ва резбали буюмлар ишлаб чиқариш;
25.99.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш.

16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш.

машинасозлик:

- 25.73.0 — асбоблар ишлаб чиқариш;

- 27.11.0 — электр двигателлар, генераторлар ва трансформаторлар ишлаб чиқариш;
- 27.12.0 — электр тақсимловчи ва бошқарув аппаратуралари ишлаб чиқариш;
- 27.20.0 — батарея ва аккумуляторлар ишлаб чиқариш;
- 27.33.0 — электр асбоблар ишлаб чиқариш;
- 27.40.0 — электр ёритиш ускуналари ишлаб чиқариш;
- 27.90.0 — бошқа электр асбоблар ишлаб чиқариш;
- 28.11.0 — авиация учун мўлжалланганидан ташқари двигателлар ва турбиналар, автомобил ва мотоцикллар двигателлари ишлаб чиқариш;
- 28.12.0 — гидравлик ва пневматик ускуналар ишлаб чиқариш;
- 28.13.0 — бошқа насос ва компрессорлар ишлаб чиқариш;
- 28.14.0 — бошқа жўмрак ва вентиляторлар ишлаб чиқариш;
- 28.22.0 — кўтарма-транспорт ускуналари ишлаб чиқариш;
- 28.25.0 — саноат совитиш ва вентиляция ускуналари ишлаб чиқариш;
- 28.29.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган умумий фойдаланишга мўлжалланган машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш;
- 28.41.0 — босим остида металлларга ишлов бериш учун ускуналар ишлаб чиқариш;
- 28.91.0 — металлургия учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш;
- 28.92.0 — тоғ-кон саноати ва ерости конлари учун техника ишлаб чиқариш;
- 28.95.0 — қоғоз ва картон тайёрлаш учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш;
- 28.96.0 — пластмасса ва резинани қайта ишлаш учун ускуналар ишлаб чиқариш;
- 28.99.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган, махсус вазифаларга мўлжалланган бошқа машина ва ускуналар ишлаб чиқариш;
- 30.20.0 — темир йўл локомотивлари ва ҳаракатдаги составлар ишлаб чиқариш;

трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги:

- 28.30.0 — қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш;
- 28.93.0 — озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун ускуналар ишлаб чиқариш (донни, уруғлар ва қуруқ дуккакдиларни тозалаш, саралаш ёки майдалаш учун ускуналар қисмида);
- 28.22.0 — кўтарма-транспорт ускуналари ишлаб чиқариш (фермаларда фойдаланиш учун конвейерлар ишлаб чиқариш қисмида);

қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик:

- 25.30.0 — марказий иситиш қозонларидан ташқари буғ қозонлари ишлаб чиқариш;
- 28.92.0 — тоғ-кон саноати ва ерости конлари учун техника ишлаб чиқариш;

енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги:

- 27.51.0 — маиший электр асбоблар ишлаб чиқариш;
- 27.52.0 — маиший ноэлектр асбоблар ишлаб чиқариш;
- 28.21.0 — плита, печка ва печка горелкалари ишлаб чиқариш;
- 28.93.0 — озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун ускуналар ишлаб чиқариш;
- 28.94.0 — тўқимачилик, тикувчилик, мўйнали ва чарм буюмларни тайёрлаш учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш;
- 28.99.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган, махсус вазифаларга мўлжалланган бошқа машина ва ускуналар ишлаб чиқариш;
- 26.60.0 — нурлантирувчи, электр медицина ва электр терапия ускуналари ишлаб чиқариш (озиқ-овқат маҳсулотлари ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун иррадиацион ускуналар ишлаб чиқариш қисмида).

17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.

- 23.91.0 — абразив буюмлар ишлаб чиқариш;
- 24.10.0 — чўян, пўлат ва темир қотишмаларни ишлаб чиқариш;
- 25.73.0 — асбоблар ишлаб чиқариш;
- 26.51.0 — ўлчаш, назорат, синаш ва навигация учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш;
- 26.52.0 — соатлар ишлаб чиқариш;
- 26.60.0 — нурлантирувчи, электр медицина ва электр терапия ускуналари ишлаб чиқариш;
- 26.70.0 — оптика асбоблари ва фотография ускуналари ишлаб чиқариш;
- 27.90.0 — бошқа электр асбоблар ишлаб чиқариш;
- 28.15.0 — подшипниклар, тишли ғилдираклар, тишли узатма ва юритмаларнинг элементларини ишлаб чиқариш;
- 28.24.0 — қўл электр асбоблари ишлаб чиқариш;
- 28.29.0 — бошқа тоифаларга киритилмаган умумий фойдаланишга мўлжалланган машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш;
- 28.41.0 — босим остида металлларга ишлов бериш учун ускуналар ишлаб чиқариш;
- 28.49.0 — бошқа металлга ишлов берадиган дастгоҳлар ишлаб чиқариш;
- 28.91.0 — металлургия учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш;
- 30.91.0 — мотоциклар ишлаб чиқариш.

18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.

- 23.11.0 — листланган шиша ишлаб чиқариш;
- 23.12.0 — листланган шишани қолиплаш ва ишлов бериш;
- 23.13.0 — ковак шиша буюмлар ишлаб чиқариш;
- 23.19.0 — бошқа шиша буюмларни, жумладан техник буюмларни, ишлаб чиқариш ва ишлов бериш;
- 23.41.0 — маиший ва декоратив керамик буюмлар ишлаб чиқариш;

23.49.0 — бошқа керамик буюмлар ишлаб чиқариш.

19. Микробиология саноати.

10.91.0 — фермаларда боқиладиган ҳайвонлар учун тайёр озуқа ишлаб чиқариш;

20.14.0 — бошқа асосий органик кимёвий моддалар ишлаб чиқариш;

20.20.0 — пестицидлар ва бошқа агрокимёвий моддалар ишлаб чиқариш;

20.30.0 — бўёқлар, лаклар ва шу каби бўёвчи моддалар, босмахона бўёқлари ва мастикалар ишлаб чиқариш.

20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.

32.40.0 — ўйин ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.

21. Туризм.

меҳмонхона хизматлари:

55.10.0 — меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш яшаш жойлари;

туристик хизматлар:

79.11.0 — туристик агентликлар фаолияти;

79.12.0 — туроператорлар фаолияти;

79.90.0 — жой бронь қилиш бўйича хизматларнинг бошқа турлари ва улар билан боғлиқ хизматлар (туристик хизматлар қисмида).».

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий
инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар
учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимчага
2-ИЛОВА

«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий
инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар
учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби
тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни
жалб қилувчи корхоналарга тақдим этиладиган солиқ
имтиёзларини қўллаш тўғрисида
ХАБАРНОМА**

_____ жойлашган
(почта индекси, шаҳар (туман, овул), кўча номи ва уй (квартира) рақами)

_____ фаолиятини амалга оширувчи
(асосий (соха) фаолият тури)

_____ юридик шахс,
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Сизни _____ дан Ўзбекистон Республикаси Президентининг
(сана)

2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий
инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида назарда тутилган солиқ имтиёзларини
қўллаши ҳақида хабардор қилади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми _____
_____ АҚШ долларини ташкил этади.
(сумма ёзув билан)

Ушбу билан инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафиллиги-
сиз амалга оширилаётганлигини тасдиқлаймиз.

_____ га тақдим этилади.
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Солиқ тўловчи тўғрисида МАЪЛУМОТ

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)
3. СТИР
4. ИФУТ
5. Телефон: код рақам

Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
<p>Раҳбар</p> <p>СТИР <input type="text"/></p> <p>Ф.И.О. _____</p> <p>Имзо _____</p> <p>Бош бухгалтер</p> <p>СТИР <input type="text"/></p> <p>Ф.И.О. _____</p> <p>Имзо _____</p> <p>Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кун/ой/йил)</p>	<p style="text-align: center;">Мазкур маълумотнома (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)</p> <p><input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали</p> <p><input type="text"/> варақда тақдим этилди</p> <p>Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кун/ой/йил)</p> <p>Ф.И.О. _____</p> <p>Имзо _____</p>

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

Изоҳ:

Мазкур хабарнома солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали унинг ёзма (икки нусхада), шу жумладан ахборот тизими орқали юборилган электрон шаклда тақдим этилади. Хабарнома ёзма шаклда тақдим этилганда давлат солиқ хизмати органи хабарноманинг бир нусхасига қабул қилинганлиги ҳақида белги қўяди ва иккинчи нусхасини кейинги кундан кечиктирмай аризагига қайтаради.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси, инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафолатини тақдим этмасдан амалга ошириладиганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тасдиқномаси, шунингдек тўлиқ шакллантирилган устав капитали (фонди) ва корхонанинг устав капиталида (фондида) хорижий инвесторнинг улуши тўғрисида тасдиқнома тегишли орган ва ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органининг ёзма муружаати бўйича тақдим этилади.»

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

1249 Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2878-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши **қарор қилди:**

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 2878, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 347-модда) билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасида:

қуйидаги мазмундаги ўттиз биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ амалга оширилиши устидан назорат ўрнатилганда.»;

ўттиз биринчи хатбоши ўттиз иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 декабрда эълон қилинган.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири,
Республика кенгаши раиси

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 декабрь,
235-сон

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

**1250 Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартиб-
даги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни
мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг
иловасига қўшимча киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2879-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши **қарор қилади:**

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 2879, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 348-модда) билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловаси қуйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қир-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 декабрда эълон қилинган.

фоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ амалга оширилиши устидан назорат ўрнатилганда.».

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири,
Республика кенгаши раиси

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 декабрь,
236-сон

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ,
МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА
ГАЗДАН ФЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

1251 Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2604-2

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ–381-сон «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 декабрда эълон қилинган.

ги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2014 йил 7 июлдаги к-3 ва к-1-сон қарори (рўйхат рақами 2604, 2014 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 31-сон, 387-модда) билан тасдиқланган Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Газни ҳисобга олиш приборлари эксперт текширувдан ўтказиш учун терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, тергов, прокуратура органлари ёхуд суднинг қарори ёки ажримига асосан ечиб олиниши мумкин.»

2. Мазкур қарор «Ўзбекнефтьгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлигининг бош директори**

А. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 декабрь,
к-9-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
нефть маҳсулотлари ва газдан
фойдаланишни назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

Н. АГЗАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 декабрь,
А-2-сон

Келишилган:

**«Ўзбекнефтьгаз» АЖ
бошқарув раиси**

А. СУЛТАНОВ

2017 йил 11 декабрь

«Ўзтрансгаз» АЖ раиси

А. МУСТАФАЕВ

2017 йил 6 декабрь

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2017 йил 7 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1252 **Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2524-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 24 октябрдаги 19-сон қарори (рўйхат рақами 2524, 2013 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 46-сон, 613-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 декабрь,
40-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
захираларини бошқариш қўмитасининг
2017 йил 13 декабрдаги 40-сон қарорига
ИЛОВА

Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 41, 43, 56, 92-бандлардаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзвინосаноат-холдинг» акциядорлик жамияти, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 12 декабрь

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2017 йил 12 декабрь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 12 декабрь

*«Ўзвინосаноат-холдинг» акциядорлик
жамияти бошқарув раиси*

Ш. РАХИМОВ

2017 йил 12 декабрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 12 декабрь

*Ўзбекистон автомобил ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 12 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1253 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2920, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 934-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига мартаба даражалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомга асосан эгаллаб турган лавозимини ҳисобга олган ҳолда берилади, мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Махсус унвонга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидан давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматига ўтказилган ходимларга мартаба даражаларини бериш, улар эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ мазкур Низомда белгиланган тартибда берилади.»

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» —

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 декабрда эълон қилинган.

«Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 декабрь,
464-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ,
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**1255 Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор
юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 августдаги 679-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 декабрда эълон қилинган.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 27 апрелдаги 34-сон қарори (рўйхат рақами 2791, 2016 йил 24 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 21-сон, 245-модда) билан тасдиқланган Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 декабрь,
9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия, картография ва
давлат кадастри давлат қўмитасининг
2017 йил 15 декабрдаги 9-сон қарорига
ИЛОВА

Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давергеодезкадастр» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 9-бандда:

«а» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давергеодезкадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиаллари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-бандда:

учинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига» ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига» деган сўзлар тегишлича «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига» ва «Давергеодезкадастрга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давергеодезкадастр» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1256** Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига
жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқаси-
га кўчириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ки-
ритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2608-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ–421-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бую-
раман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2014 йил 27 июлдаги 103-сон буйруғи (рўйхат рақами 2608, 2014 йил 8 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 33-сон, 424-модда) билан тасдиқланган Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 декабрь,
271-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2017 йил
19 декабрдаги 271-сон буйруғига
ИЛОВА

**Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш
ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар тергов ҳибсхонасининг маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида жазони ўташ учун жўнатилади.».

3. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс бутун жазо муддатини, одатда, битта муассасада ўтайди.».

4. 12-банддан «қамоқ уйидан,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

1257 Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 ноябрдаги 898-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 декабрда эълон қилинган.

ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон қарори)»ги ҳамда 2017 йил 22 ноябрдаги 937-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қарори (рўйхат рақами 2894, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 569-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация
комиссияси раиси**

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 ноябрь,
245/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2017 йил 29 ноябрдаги 245/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 2-банднинг иккинчи хатбошисидан «, юридик фанлар бўйича диссертация ҳимоя қилиш — юриспруденция соҳаси бўйича олий маълумотга» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги «, жумладан камида 2 тадан» деган сўзлар «камида 2 та» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 19-банднинг иккинчи хатбошисидаги «, жумладан камида 2 тадан» деган сўзлар «камида 2 та» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 20-банддаги «16 ва 17-бандларида» деган сўзлар «18 ва 19-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Қуйидаги мазмундаги 33¹-банд билан тўлдирилсин:

«33¹. Диссертацияни Илмий кенгашда дастлабки кўриб чиқиш, ҳимояга қабул қилиш ва диссертациянинг ошқора ҳимоясини ўтказиш ҳамда диссертация ва аттестация ишини ОАКга тақдим этиш Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) мувофиқ амалга оширилади.».

6. 59-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«59. Хорижий давлатлар аттестация органлари томонидан 1992 йил 1 январдан кейин Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб ва ишлаб турган чет эл фуқароларига фан доктори ва фан номзоди илмий даражалари берилгани ҳақидаги ҳужжатлар, шунингдек хорижий давлатларда фалсафа доктори (PhD) ва унга тенглаштирилган илмий даражалар олинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ОАК томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ нострификацияланади (қайта аттестациядан ўтказиш асосида тенглаштирилади).».

7. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Фан ва технологиялар агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

2017 йил 27 ноябрь

И. МАДЖИДОВ

Халқ таълими вазири

2017 йил 27 ноябрь

У. ИНОЯТОВ

Ташқи ишлар вазири

2017 йил 27 ноябрь

А. КАМИЛОВ

Соғлиқни сақлаш вазири

2017 йил 27 ноябрь

А. ШАДМАНОВ

Маданият вазири

2017 йил 27 ноябрь

Б. САЙФУЛЛАЕВ

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
биринчи ўринбосари*

А. ВАХАБОВ

2017 йил 28 ноябрь

Фанлар академияси президенти

Б. ЮЛДАШЕВ

2017 йил 28 ноябрь

*Жисмоний тарбия ва спорт
давлат қўмитаси раиси*

Р. КУРБАНОВ

2017 йил 28 ноябрь

*Фан ва технологиялар
агентлиги бош директори*

М. БОЛТАБАЕВ

2017 йил 28 ноябрь

*Интеллектуал мулк агентлиги
бош директори*

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2017 йил 28 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1258 «Кўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2106-3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ–399-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 декабрь,
129-сон

Келишилган:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси

Б. ҚЎЧҚОРОВ

2017 йил 15 декабрь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил
15 декабрдаги 129-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 26 мартдаги 95-сон «Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2106, 2010 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 165-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 15 сентябрдаги 17-сон «Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2106-1, 2014 йил 22 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 492-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 28 декабрдаги 45-сон «Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2106-2, 2016 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 1-сон, 10-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 16 декабрдан 22 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 9 ноябрдаги 6-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956 (2018 йил 1 январдан кучга киради).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 177, 347-В, 40-сон «Фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашига ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2957.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 11 декабрдаги 01/09-10/35-сон «Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга танлов ўтказмасдан давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1504-4.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 164, 2017-64, 152-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-1.

5. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Респуб-

лика кенгашининг 2017 йил 11 декабрдаги 235-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2878-3.

6. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 11 декабрдаги 236-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2879-3.

7. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2017 йил 12 декабрдаги К-9, А-2-сон «Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2604-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 13 декабрдаги 40-сон «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2524-1.

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 21 декабрдаги 464-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 49қ/к, 127-сон «Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш услубини, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 247-2.

11. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 15 декабрдаги 9-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-1.

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 19 декабрдаги 271-сон «Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2608-1.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 29 ноябрдаги 245/7-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-1.

14. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 15 декабрдаги 129-сон «Қўллаш учун ярқисиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2106-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг «Замонавий ва маънавий эскирган тиббий ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2228, 2011 йил 12 май).

Адлия вазирининг 2017 йил 11 сентябрдаги 291-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши тизими фаолиятини молиялаштириш маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2542, 2013 йил 26 декабрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 19 декабрдаги 457-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш услуги (рўйхат рақами 247, 1996 йил 28 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 247-1, 2001 йил 20 июль).

Адлия вазирининг 2017 йил 22 декабрдаги 465-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг «Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2106, 2010 йил 25 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2106-1, 2014 йил 22 сентябрь), (рўйхат рақами 2106-2, 2016 йил 7 январь).

Адлия вазирининг 2017 йил 22 декабрдаги 469-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.